

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 7 май, Душанба

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 86 (10.895)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Чехия Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ярослав Башта раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигида музокара ўтказди.

● Пойтахтимиздаги «Radisson SAS» меҳмонхонасида фермер аёлларга микрокредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди»нинг «Бизнесга ўргатиш ва микрокредитлар тақдим этиш йўли билан Ўзбекистонда аёллар фермерлигини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикасидаги «Орол» савдо-ишлаб чиқариш фирмасида чикинди плёнкадан пишиқ замонавий полиэтилен қувурлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Қалинлиги 15, диаметри 100 миллиметр гача бўлган бу маҳсулотлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

● Қашқадарё вилоятининг ахборот-кутубхона марказида «Фермер аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг долзарб муаммолари» мавзусида ташкил этилган семинар-мулоқот қизиқарли ўтди.

● Сурхондарё вилояти Бойсун туманида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилиб, Хўжамайхона булоғидан 20 километр масофага қувур тортилди. Натижада Мунчок, Обигир, Тиллакамар, Панжоб ва Чилонзор қишлоқларига тоза ичимлик суви келтирилди.

● Ўзбекистон темир йўллари ДАК ўтган йили сурхондарёлик ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга соғин сигир олиб берган эди. Компания бу йил ҳам Жарқўрғон ва Қумқўрғон туманларида истиқомат қилаётган 400 га яқин эҳтиёжманд оилаларнинг ҳар бирига 50 тадан товуқ совға қилди.

● Сарийосиё тумани «Тотувли» қишлоғида 720 ўринли маийш хизмат кўрсатиш касбхуна қоллежи фойдаланишга топширилди.

● Урганч шаҳри марказий майдонида катта хиёбон –боғ ташкил этилмоқда. Боғга кирверишда иккита маҳобатли дарвоза бўлиб қилиб, ўртада улуг аллома Муҳаммад ал-Хоразмийнинг ҳайкали қад ростлайди.

● Тошкент шаҳрида ўтказиладиган «Универсиада – 2007» мусобақаларида Хоразм вилояти терма жамоаси 12 спорт тури бўйича голиблик учун кураш олиб боради. Ҳозирда 130 дан зиёд талаба беллашувларга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

● Қашқадарёда «Темирий баҳодирлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Оммавий мусобақаларнинг вилоят босқичида голибликни эгаллаган Қарши педагогика касб-хуна қоллежи талабалари ўзларининг жисмоний баркамол, иқтидорли ва билимли эканликларини намойиш этдилар.

● Чироқчида «Яхши бахши –элнинг нақши» бешинчи республика кўрик-танлови ўтказилди. Унда мамлакатимиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасида келган халқ оғзаки ижодиёти вакиллари иштирок этишди. Икки кун давом этган анъанавий кўрик-танловда голиблик муносиб тақдирландилар.

## ЖАҲОНДА

● Тель-Авивда 10 минглаб одамлар Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт истеъфосини талаб қилиб намойишларга чиқишмоқда. Митинг ташкилотчиларининг маълум қилишича, ушбу норозилик намойишларида 100 минг нафар одам иштирок этмоқда.

● АҚШ Конгрессидаги демократлар мамлакат Президенти Жорж Буш маъмуриятининг Европа ҳудудига ҳаво ҳужумига қарши мудофиа тизимини жойлаштириш режасига қарши чиқишмоқда. «Оқ уй» Конгресдан Польшада бундай тизимни жойлаштириш учун 160 миллион доллар маблағ сўраяпти.

● Кубада ҳарбий қисмдан қочган икки аскар автобусни йўловчилари билан гаровга олишган. Улар автобусда Гавана аэропортига етиб олишни мўлжаллашган. Қочқ аскарлар ушланиб қамоққа олинди.

● Сарик денгизнинг Бохайвань қўлтиғида қарийб бир миллиард тонналик захирали нефть қони топилиди. Хитой нефть-газ миллий компанияси бу ҳақда маълум қилди. Компания вакилининг сўзларига кўра, Бохайвань қўлтиғида 9 миллиард тонналик нефть захираси мавжуд. Мазкур қоннинг топилиши Хитойнинг энергетика хавфсизлигини таъминлашда катта ёрдам беради.

● «Time» журнали ҳар йилгидек анъанавий ер сайёрасининг энг машҳур 100 нафар шахслари рўйхатини эълон қилди. Охириги 4 йил мобайнида илк бор АҚШ Президенти Жорж Буш бу рўйхатдан ўрин эгаллай олмади. Мазкур рўйхатга уникли актёрлар, чемпионлар ва санъаткорлар киритилган.

● АҚШ Конгресси Президент Жорж Бушнинг Ироқ ҳудудидан Америка қўшинларини аниқ кўрсатилган вақтда олиб чиқиш тўғрисидаги Конун лойиҳасига нисбатан қўйган ветосини бекор қилди. Лойиҳани 222 нафар Конгресс аъзоси қўллаб овоз берган бўлса, 203 нафар ҳукумат палатаси аъзолари қарши чиқишган. Президент тақиқини бекор қилишни учун эса камида 290 та овоз лозим эди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Кеска сатрларда

● БУГУН Мирзо Улуғбек туманидаги 171-мактабда 9 май—Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўқувчилар, фахрий ўқитувчилар, педагоглар иштирокида ўтказилган тадбир «Сен билан фахрланамиз» деб номланди.

● КЕЧА Ҳамза туманида жойлашган Нурунийлар шифохонасида 9 май—Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан уюштирилган тадбирда фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

● УТГАН кунини Юнусобод туманидаги «Кулқўрғон» маҳалласида 9 май—Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб уюштирилган тадбирда маҳалла фахрийлари, фаоллари ва ёшлари иштирок этишди.

● БУГУН «Зарафшон» концерт залига йилгилан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари иштирокида 9 май—Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ўтказилган тадбир Юнусобод туман ҳокимлиги, Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

● УТГАН кунини «Ўзбекистон» меҳмонхонасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси ва унинг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида 9 май—Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан уюштирилган тадбирда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди.

● УТГАН кунини шаҳримиз кўчаларида, маҳаллаларида, хусусан Чигатоёв қабристонидан 9 май—Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан ободонлаштириш ишлари ташкил этилди.

● ШАҲРИМИЗДАГИ 209-мактабда «Дўстликни қадрлаймиз» мавзусида корей миллий маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда ўқувчиларга эсдалик совғалари тўхфа этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЮРТИМИЗ ЧИНАКАМИГА ЧИРОЙ ОЧДИ. БУ БОРАДА УЛКАН БУЊЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ БЕҚИЁС ДАРАЖАСИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМ. ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА БУЊЁД ЭТИЛГАН МУҲТАШАМ ВА САЛОБАТЛИ ИНШООТЛАР, КЎРКАМ БИНОЛАР, ТЕКИС ВА РАВОН ЙЎЛЛАР, МУСТАҲКАМ КЎПРИКЛАР, ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАР МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЧИРОЙИ БЎЛИБГИНА ҚОЛМАЙ, ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИДАН НИШОНАДИР.



### Акциядорлик жамиятларида

## БУЊЁДКОРЛИККА ҲИССА

Албатта, ана шундай беқиёсликда аввало қўли гул бунёдкорларнинг улкан ғайрат шижоатини эътироф этган ҳолда уларга пешма-пеш қўрилиш ашёларини кечиктирмай етказиб бераётган корхоналарнинг ҳам ҳимматини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шу ўринда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Нерудик» акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари меҳнати ва бунёдкорлик ишларига қўшаётган ҳиссалари салмоқли бўлмоқда. Корхона тадбиркорлари мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб иш юритгани, имкониятлардан оқилона фойдалангани боис ҳам нафақат пойтахтимизда, балки республикамиздаги шу соҳага дахлдор ташкилотлар орасида мустаҳкам ўрин эгаллади. Гўзал ва салобатли, мустаҳкам ва қуркам мустақиллик иншоотлари барпо этилишида муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирда корхонада замонавий техника ва технологиялар асосида 10 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш цехларидаги эскирган дастхоналарни модернизация қилишга, ҳорижий давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб янги техника воситалари келтиришга эътибор қаратилган. Ишлаб чиқарилаётган қурилиш ашёлари сертификатланган бўлиб, иншоотлар мустаҳкамлиги ва бунёдкорлик сифатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Корхона мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб, уларнинг буюртмаларини тез ва сифатли адо этмоқда. Албатта, изланишлар самарадорлиги корхона нуфузини орттиришда, ишчи-хизматчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигида яққол акс этиб турибди. Жамоа ишчи-хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган эътибор, меҳнат муҳофазаси ва қўлай дам олиш шароитларини яратиш натижасида самарадорликка эришилмоқда. Ҳар бир цехда ташкил этилган дам олиш хоналари ишчиларнинг меҳнат кўтаринкилигини таъминлашга хизмат қилади.

Жорий йилда ҳам корхона аҳли бунёдкорлик ишлари қўламини юксалтиришда муҳим ҳисса қўлиш бораборида иқтисодиётимиз ривожига ҳам ўз улушлари бўлишини ният қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: Буюртмаларни тайёрлаш ва етказиб беришда замонавий техника воситаларидан самаралани фойдаланилмоқда; корхона ҳайдовчиси Абдулла Ибрагимов. Козим Улмасов олган суратлар



### 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини

## ҚАЛБИМИЗ ДАЪВАТИ БИЛАН НОММА-НОМ ЁДГА ОЛАЙЛИК

зеро, шоир айтганидек, бу ўтганларга эмас, балки биз учун, буюк келажакимиз учун муҳимдир.

9 май жаҳон ҳамжамияти тарихида алоҳида санадир. Бугун, ҳаттоки 62 йил ўтса ҳам, уша дахлат-халқларнинг қўли қўллардан йироқ бўлган бирон-бир оила, бирон-бир инсон йўқдир.

Иккинчи жаҳон урушига биргина Ўзбекистондан бир ярим миллионга яқин ватандошларимиз қақчилган ва қанчалик бу аччиқ ҳақиқат бўлмасин, уларнинг учдан бир қисми жангу жадаллардан ота-онаси, оиласи бағрига қайтмаган. Шундай экан, бизнинг бурчимиз халқ тинчлиги, осойишталиги йўлида ҳалок бўлганларни доимо хотирлаб, уларнинг номлари ва жасоратини ёрқин келажак ила абадийлаштиришдир, шу билан бирга уруш йилларида барча қийинчиликларни енгиб, бугунги кунда мамлакатимиз истиқбол учун ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келаяётганларни ҳам ҳурмат қилиб эъзозлашдир.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар остида айнан шу гош ўз ифодасини топмоқда, дейишга ҳақлимиз. Кенг тарзда, умумхалқ байрами сифатида ташкил этилаётган бу тадбирларни мувофиқлаштириб бориш ишлари эса ҳар доимгидек асосан «Нуруний» жамғармаси зиммасига юклатилган ва шу кунларда мазкур ташкилотнинг фаолияти аинқиса сезиларли бўлаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Жамғарма фаоллари уруш ва меҳнат фахрийларига гамхўрлик кўрсатиш билан бирга ўғил-қизларимизни ватандошларимизнинг жанг майдонларида кўрсатган жасорати руҳида тарбиялаш, ўз юрти, буюк аждодларига муносиб

фарзанд бўлиб воғна етказиш борасида барча сая-ҳаракатларини жамлаганлар деса муболага бўлмайди.

Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан пойтахтда амалга оширилаётган ишлар хусусида «Нуруний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммадjon ЗУФАРОВ билан суҳбатлашдик.

— Авваламбор бу қўтулғ сана мамлакатимиз ҳаётида қандай ўрин тутиши, унинг моҳияти ҳақида бироз тўхталиб ўтиш жоиз деб биламан, — деди у суҳбат бошида. — Барчамизга яқин маълумки, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов давлат ва жамият қурилишида муҳим вазифалар қаторида ҳақиқий тарихни тиклаш, халқ хотирасида авлодаждодларнинг тутган ўринини жой жойига қўйиш зарурлигини ҳам илгари сургандилар. «Инсон она юрти, халқнинг бахт-саодати учун омонсиз жангларда жонини фидо этсаю, унинг номи номанг бўлса! Ахир урушга кетган ҳар бир аскарнинг номи, насл-насаби, унинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, фарзандларининг қалбида бир умр армон бўлиб яшайди-ку!». Юртбошимизнинг бу сўзлари иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган қаҳрамонларимизнинг ота-оналари, фарзандлари кўнглида узоқ тарихий давр давомида тугилган фикрларининг, ҳеч бир ўзбекистонлик «номаълум аскар» тушунчасини қабул қила олмаслигининг ёрқин ифодасидир.

Кейинги йиллар давомида мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан 9 май — ғалаба кунини Хотира ва Қадрлаш кунини сифатида кенг нишонланиб келинаётгани гувоҳимиз. Бу икки сўз бир қарашда бир-бирига номултаносиб қўйишиш мумкин, аммо аслида пурмаънони англатиши, шубҳасиз. Хотира деганда биз ўтганларни ёдга олиш деб тушунамиз. Қадрлаш эса, «Юртбошимиз тадбирлари билан айтганда, ҳаёт бўлганларнинг

қадр-қимматиға етиб улғулаш, айниқса фронт йўналишларида ғалаба муқаррарлигини амалда ифода этиб, бугунги кунда ҳам мустақил юртимизнинг раванки учун ўз кучи ва иродаси ила хизмат қилаётганларни эъзозлаш демакдир.

Мамлакатимиз раҳбари Фармонига биноан шу кунларда барча меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, маҳаллаларда тантанали маросимлар ташкил этилиб, уруш ва меҳнат фахрийлари Юртбошимиз номларидан рағбатлантирилмоқда. Шу мақсадларда жамғарманинг жойлардаги бирламчи бўғинлари сая-ҳаракати билан ва маҳалла фаоллари ёрдамида уруш фахрийларининг тўлиқ ва аниқ рўйхатлари тўзиб чиқилганини алоҳида айтиб ўтиш ўринлидир. Ватанимизнинг асл фарзандлари хотирасига бағишланган кечалар ҳам бутун жорий ой ичида давом эттирилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳамда саховатпеша кишилар ҳомиёлигида уруш фахрийлари ва фронт ортида хизмат қилган ҳамюртларининг ҳар бирига моддий ёрдам қўйиш шартли ражалаштирилган ва айтиб ўтиш жоизки, ушбу тадбирлар ҳам тантанали равишда - байрам дастурхонлари атрофида, концерт дастурлари намойиши остида ўтказилмоқда. Иккониёти чекланганлиги боис ўзгалар парваршишга муҳтожларнинг кўнглини кўтариш ниятида эса камолотчилар уларнинг уйларига бевосита ташриф буюриб, совға-саломлар улашишмоқда. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган асосий маросимлар «Туркистон» ва Халқлар дўстлиги саройларида ўтказилади. «Ўзбекистон» меҳмонхона мажмуасининг тантаналар залида эса 400 та уруш фахрийси иштирокида байрам дастури ташкил этилди. Мазкур тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Нуруний» жамғармаси ҳомиёлиги остида бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда). — Афсуски, вақт ўз ҳукмини ўтказмасдан қўймайди. Уруш фахрийларимиз сафи аста-секин қисқариб бораётди...

— Тарихдан маълумки, иккинчи жаҳон урушига беш йил давомидики юртимиз йилгилари қабул қилинган. 1943 ва кейинги йилларда 1926-1927 йилларда тузилган, яъни энди 17-18 бахронни қаршилаганлар ҳам олинган...

Уруш фахрийлари ҳар йили мунтазам тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга саломатлигини текшириш учун энг яхши соғломлаштириш масканларида даволаниш имкониятлари яратилган.

Уруш йилларида завод ва фабрикаларда хизмат қилган, даладарда тер тўкиб ишлаган ҳамюртларимиз ҳам доимий эътиборда.

Яқинда «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳоқимиятида «Миллий мерос ва ёшлар маданияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Кеҳани «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳоқимияти, Тошкент давлат молия институту ва бошқа ўқув юртлири талабалари ҳамкорликда ўтказилди.

Тадбирлар

Давра суҳбатиди сўзга чиққан «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси раиси Амиркул Каримов, «Ёш куч» журнали масъул котиби Бехоз Абдуназаров, журналист Арофат Ортиқова ва бошқалар ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя» тағриботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 451-сонли Қарорининг аҳамияти, миллий маданият ва тарихий меросни асрашда ёшларнинг вазифалари хусусида сўзлашди.

ҚАЛБИМИЗ ДАЪВАТИ БИЛАН НОММА-НОМ ЁДГА ОЛАЙЛИК

зеро, шоир айтганидек, бу ўтганларга эмас, балки биз учун, буюк келажакимиз учун муҳимдир.

фотлари билан тақдирланган. Тошкент шаҳрида уруш йилларида меҳнат фронтида хизмат қилганларнинг 19.964 нафари истиқомат қиладиган уларнинг деярли 80 фоизини аёллар ташкил этади.

Фарзандлари иккинчи жаҳон урушида Ҳалок бўлган 355 та оилага ҳам мунтазам равишда ғарҳурилик кўрсатиб келинади.

Бу рақамларнинг ҳар бири остида инсон тарихи, оила тарихи, мамлакат тарихи, жаҳон тарихи жамланган!

2003 йилда Санкт-Петербургдаги Пискарев қабристониди шахар қушовида ҳалок бўлган олти минг ўзбекистонлик хотирасини абадийлаштириш мақсадида ёдгорлик ўрнатилди.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг бари, шубҳасиз, том маънода қаҳрамон номига лойиқ.

— Биз аввало маънавий дунё-қарашимизни ҳар томонлама кенгайтиришимиз лозим, — деди «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси раиси Амиркул Каримов. — Зеро, «Маънавият» ақл кўзгусидир, — деган пурмаво сўз беҳиз айтилмаган. Маънавият бутун, миллий анъана ва урф-одатларини доимо улуғлаган, миллийлигини ардоқлаб-асраган, қадриятларига эҳтиром кўрсатган халқнинг келажак иурафшондир. Ҳар бир миллат ва элатнинг маънавияти бутун бўлмоғи лозим.

сига таъзим айлаш ниятида бу ерга каттаю кичик, вилоятю шахарлар аҳолиси, республикамиз меҳмонлари — минг-минглаб кишилар ташриф буюрмоқда. Айиб ўтиш жоизки, ҳамюртларимизнинг доимий қадимосига айланган бу маскан мамлакатимизнинг бош майдони — Муस्ताқиллик майдониди жойлашгани ўзига хос рамзий маънони ифодалайди: фақат мустақиллик тўғрисида тарихий ҳақиқат, тарихий адолат тикланди.

— Жамғарманинг муҳим вазифаларидан бири ёш авлодни миллий ва умуминсоний баъарий қадриятлар асосида тарбиялаш, халқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб воға етказишга ҳисса қўйишидир.

— Биласизми, бугунги кунда биргина Тошкент шаҳридаги ўқув юртлири, корхона-ташкилотларда, маҳаллалар худудида 230 га яқин урушда ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуалари борлигини кўтчилик билмайди.

Адабиёт ва шеърининг ўрни, бугунги ёш шоирларимизнинг ижод фаолиятлари борасида ҳам мулоҳазали, музокаралари, ижобий ва танқидий қарашлари ўртага ташланди. Давра суҳбати доирасида «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси қошидаги «Муножот» ансамбли ижросидаги куй-қўшиқлар, талабалар ижодидаги шеърлардан намуналар тадбирнинг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлади.

маётир дейишга ҳақимиз. Фарзандларимиз ота-оналари хотирасини, бугунги ёрқин кулларимиз учун жонини фидо этганларнинг номини номма-ном, қалбдан ёдда сақлашларига ишончимиз комил.

— Шу кунларда жамғарма Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга бош-қош бўлишдек маъсулиятли вазифа билан машғул. Гап ташкилот ҳақида экан, унинг 10 йиллик фаолияти устида ҳам бироз тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз Президенти Фармониға кўра тузилган жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими ташкил топганиға шу йил январь ойида ўн йил бўлди. Ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари хусусида юқориди айтиб ўтилди. Жамғарма мустақил фаолият юритувчи бирлашма сифатида ташкил этилган бўлиб, жойларда фахрийларга оид қонунийлик-меъриий ҳужжатлар ўз ифодасини топишиға қўмақлашиш ҳам асосий вазифасиға кирди.

Сўхбатимиз якунида шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, тинч-оқошшга ҳаётимизнинг мусаффо осмонимизнинг қадриға етайлиқ, мустақил юртимизни кўз қорачиқдек асрашдек муқаддас бурчимизни адо этишни унутмайлик.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА сўхбатлашди

МИЛЛИЙ МЕРОС ВА ЁШЛАР МАДАНИЯТИ


«ИПОТЕКА БАНК»: КРЕДИТЛАР МИҚДОРИ ОРТАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА «ИПОТЕКА БАНК» АТИБНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАНИГА УНЧАЛИК КЎП БЎЛГАНИ ЙЎҚ, ШУНГА ҚАРАМАСДАН, У БОШҚА ТУРДОШ БАНКЛАРГА НИСБАТАН ТЕЗДА ЭЛ НАЗАРИГА ТУШДИ.

Бугунги кунда бундай хайрли ишларни нафақат республика, пойтахт банклари амалга оширмоқда, балки унинг жойлардаги туман бўлиmlариди ҳам кенг йўлга қўйилган.

Пойтахтнинг «Ипотека банк» АТИБ Яқасарой филиали ани шундай молия муассасасидан биридир. Утган кунга вақт ичида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги «Яқка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида» қарори ва шу асосида ишлаб чиқилган «Уй-жой қурилишига, унинг реконструкция қилишиға ва сотиб олишиға ипотека кредити бериш тўғрисида»ги Низомға мувофиқ кредитлар ажратилиш йўлиға қўйилди.

— Хусусан, бугунги кунға фақароларнинг истеъмол таварлари ва уй-жойға бўлган талабларини қондириш мақсадида 1244,9 миллион сўмлик истеъмол ва ипотека кредитлари ажратилди, — дейди биз билан сўхбатда мазкур филиал раҳбари Санжар Зокиров.



ласини ҳам кўриб чиқмоқда. Уйлаймики, амалға оширилиш режалаштирилайётган ишларимиз келгусида ўз самарасини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги «Уй-жой қурилишиға, уни реконструкция қилишиға ва сотиб олишиға ипотека кредити бериш тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2-сонли қарори билан тасдиқланган «Уй-жой қурилишиға, уни реконструкция қилишиға ва сотиб олишиға ипотека кредити бериш тўғрисида» Низом» ва банк Бошқаруви томонидан 2007 йил 14 февралда 18/3-сонли қарори билан тасдиқланган «Банкнинг ўз маълумоти ҳисобидан аҳолиға уй-жой қурилишиға, уни реконструкция қилишиға ва сотиб олишиға ипотека кредити беришининг ички Тартиб-Ўқоида» асосида бериладиган ипотека кредитларини ажратилиш тартибиға кўра

Очил ҲАЗРАТОВ СУРАТДА: банк фаолиятидан лавҳа

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик БУЮРТМАЛАР МУДДАТИДА ВА СИФАТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

ҲАР БИР ИНСОН ЭЗГУЛИКА ИНТИЛАДИ, БОИСИ ЭЗГУЛИК ҲАМДА ЯХШИЛИК, МЕҲНАТ ОРТИДАНИГА ЭЛ АРДОҒИ, ЖАМОА МЕҲРИ ВА ИШОНЧИ УНГА ҲАМРОҒ БЎЛАДИ. БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАН КАБИ ИҚТИСОДИЁТДА ҲАМ ЎЗИНИ СИНАБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАЁТГАН ДЁЛ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ САФИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОШИБ БОРАЁТГАНИ ҚУВОНАДИ ҲОЛ, АЛБАТТА.

2003 йилда ташкил этилган «SALIMA — chevar» хусусий корхонаси раҳбари Салима Қодирова ҳам эзгу мақсадларни кўзлаб, 14 нафар хотин-қизларни иш билан таъминлади. Иزلанувчан, янгиликка ўч, замон билан ҳамнафас ишбилармон аёл Тошкент Тўқимачилик ва ёнгили саноат институтини тамомлагач, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, машаққатли меҳнатдан асло чўчмади.

— Асосий буртумачиларимиз, — дейди Салима Қодирова, — республикамиз бўйлаб тарқалган. Уш фаолиятимизни кўркам, беҳирим, дид билан тикилган, сифатли саҳна либослари тикишдан бошлаганмиз. Юртимизда фаолият юритаётган турли ансамбллар, ракс дасталари, театр жомалари, болалар гуруҳлари, қўшимча таълим марказлари, мактаб, мактабга қарши муассасалари, спорт тўғрисида ҳамда санъаткорлар учун кийим-кечаклар тикамиз. Утган йилдан бошлаб махсус иш кийимлари, парда, покривал, ёстиқчил, совғабо маҳсулотларини ҳам буюртма асосида тайёрламоқдамиз.

Президентимизнинг кейинги йиллардаги қатор Фармон ва қарорлари бизни янада ғайрат билан ишлашға ундамоқда.

Мазкур жамоа ахли барча буюртмаларни бажаришда аънавийлик, замонавийликка алоҳида эътибор қаратади. Саҳна либосларини яратиш айнақса, бичиқчи-дизайнери, кўли гул чеварлар ҳамда унхарманд усталарнинг сифатли меҳнати самараси ҳисобланади. Улар жуда рангбаранг, масалан, классик услубдаги миллий либослар, қардош халқлар миллий кийимлари, парда, дастурхон, сочик каби қўшимчалар, кўп ҳолларда, шарф, бош кийимлар, баъзи ҳолларда тапочалар ҳам миқозларнинг хоҳиш-истагиға кўра тайёрлаб берилади.

Эътиборли томони, хусусий корхонадаги тажрибали, моҳир чеварлар келгусида ёшлар ўз ўринларини эгаллашлари, муносиб давомчилари бўлишлари йўлида ғайрат-шиқоят кўрсатмоқда, яъни ёшларға касблари, сирсиноатини эринмай ўргатишмоқда, йўл-йўриқ беришмоқда. Жамоа ахлининг самарали саяҳатлари тўғрисида йўлдан йили 6 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди. Корхона тадбиркорлари доимий иزلанишда. Бониси, бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган жамоа ахли йилдан-йилға янги-янги маҳсулотлар яратмоқда ҳамда буюртмачилари сафини кенгайтириб бормоқда.

Келгусиға улкан, аниқ режаларни амалға оширишни ўз олдиға мақсад қилган жамоа сифатли, кўркам, беҳирим маҳсулотлари билан туман, шахар миқёсида аънавий ўтказиладиган кўрик-танлов, савдо-кўргазма, ярмаркаларда муваффақиятли қатнашмоқда ва муваффақият қозонмоқда.

Муҳаббат ҲАБИУЛЛАЕВА

САМЕЛ - РОУМИНГ «БИЛАЙ» АБОНЕНТЛАРИГА

«UNPEL» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ («ВИМПЕЛКОМ» ОАЖНИНГ ШЎЪБА КОРХОНАСИ БЎЛИБ, ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА «БИЛАЙ» САВДО ТАМФАСИ ОСТИДА УЯЛИ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ) «БИЛАЙ» АБОНЕНТЛАРИ ЯҚИН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИДА БЎЛГАН ЧОҒЛАРИДА САМЕЛ - РОУМИНГ, ХАЛҚАРО АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ХИЗМАТЛАРИДА Фойдаланишлар МУМКИНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Халқаро автоматлаштирилган САМЕЛ - роуминг «Билай» абонентларига хорижий давлат худудида бўлган чоғларида уяли алоқа хизматлари учун сарф-харajatларини назорат қилиш имконини бе-

ради. Бунда, абонентларнинг алоқада бўлишлари учун бору-йўғи ижобий балансга эға бўлиши талаб этилади.

«Unpel» компанияси САМЕЛ - роуминг хизматларини (бу ерда халқаро САМЕЛ - роуминг хизматларини Россия «Билай» тармоғи орқали мамлакатининг 87 та минтақасини қамраб олган) биринчи бўлиб Россияда «ВимпелКОМ» ОАЖ тармоғи, Украинада «Украина Радиотизимлари» ЕАЖ оператори тармоғи, Қозғистонда «Картиль» оператори тармоғи, Тожикистонда «Таком» оператори орқали кўрсата бошлади.

«Билай» абонентлари учун қулайликлар яратиш борасида компания хорижий шериклар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда. «ВимпелКОМ» компанияси гуруҳиға Россия, Қозғистон, Украина, Тожикистон ва Ўзбекистонда уяли хизматларини кўрсатувчи операторлар, шунингдек, Грузия ва Арманистондаги яқинда сотиб олинган операторлари кирди. «ВимпелКОМ» компанияси гуруҳларининг уяли алоқа хизмат кўрсатиш лицензияси 240 миллионға яқин одам яшай-

диган худудни қамраб олади. «ВимпелКОМ» ОАЖ Нью-Йорк фонд биржаси (NYSE) листингиға киритилган дастлабки россиялик компания ҳисобланади. Компаниянинг акциялари NYSE рўйхатида VIP белгиси остида эълон қилинади.

2006 йилнинг 9 февралда «ВимпелКОМ» Ўзбекистонда уяли алоқа бўйича нуфуз жиҳатидан иккинчи ўринни эгалладиган «Unpel» МЧЖни 207,7 миллион долларга сотиб олиши оид битимини якунлади. Харид баҳоси 200 миллион долларни, қарздорлиғи эса 7,7 миллион долларни ташкил этади.

Аввалроқ, январь, ойида GSM стандартида Ўзбекистонда уяли алоқа бўйича туртинчи ўринда турган «Банк Ўзбекистон Телеком» («Бузел») МЧЖни 100 фоиз сотиб олганди. «Бузел»нинг харид баҳоси 60 миллион долларни ва қарзлари миқдори 2,4 миллионни ташкил этади.

«ВимпелКОМ» бу икки операторни бирлаштириб Ўзбекистонда ягона компанияни ташкил этади.

«Туркистон-пресс»

**АФИНА, 1896 ЙИЛ 6 АПРЕЛЬ. МАРМАР СТАДИОНИГА ТЎПЛАНГАН 80 МИНГ ТОМОШАБИН ҲЕЧ МУБОЛАҒАСИЗ ТАРИХИЙ ВОҚЕАНИНГ ЖОНЛИ ГУВОҲИ БЎЛМОҚДА. ГРЕЦИЯ ҚИРОЛИ БИРИНЧИ ЗАМОНАВИЙ ОЛИМПИАДА ҲАМ ИШЛАШ ОЧИҚ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. БИР ЮЗ ЭЪЛИК КИШИЛИК ХОР ЮНОН КОМПОЗИТОРИ САМАРАНИНГ УШБУ ТАНТАНАГА МАХСУС БАҒИШЛАНГАН «ОЛИМПИЯ КАСИДАСИ»НИ ИЖРО ЭТАДИ.**

Қадимий Юнонистондаги сўнгги Олимпиададан ўн олти асрдан ҳам кўпроқ вақт ўтган бўлсада уша умумэллин энг олий байрамларининг руҳи барҳаёт эканлиги амалий исботини топди. Бу аънаъна тикланиши учун жаҳоннинг турли мамлакатларидаги минглаб, ўн минглаб фидойилардан жуда катта ташкилотчилик, тарғибот ишларини олиб бориш талаб қилинди. Спортнинг бу жонқуярлари олимпия голяларининг комил шахсни тарбиялаш, турли миллат ва элатга мансуб, эътиқодлари ҳам ҳар хил инсонларни бирлаштириш ва дўстлаштиришдаги бекиёс аҳамиятига муносиб баҳо берганлари ҳолда ўйинлар машъаласи яна порлаши учун куч-ғайратларини ҳам, билим ва тажрибаларини, вақтларини ҳам, шахсий маблағларини ҳам аямдилар.

Олимпия ҳаракатига янгидан ҳаёт бахш этишда франциялик Пьер де Кубертеннинг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари, ташкилотчилиги алоҳида аҳамият касб этди. У замонавий шароитларда Олимпиада ўйинларини тиклаш гоёсини биринчи марта 1888 йил июлида, Франция таълим вазирилик томонидан таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларини жорий этиш бўйича ташкил этилган кўмита мажлисида олға сурди. Мамлакатнинг спорт ва жисмоний тарбия соҳаси мутасаддилари бу тақлифни қўллаб-қувватлаган бўлсаларда, бироқ уларнинг амалга ошириш юзасидан ҳеч нарса қилинмади.

Пьер де Кубертен 1889-1890 йилларда Олимпиада ўйинларини ташкил этиш масалаларини юзасидан жаҳоннинг турли мамлакатларидаги давлат, жамоат ва спорт арбоблари билан ёзишмалар олиб борди, бу ҳақда музокаралар ўтказиш учун Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британияга сафар қилди, турли халқаро спорт мусобақалари ташкил этди.

Шу вақтда Францияда Спорт атлетикаси уюшмаси тузилади. Унинг Бош котиби этиб Пьер де Кубертен сайланади. Уюшманинг 1892 йил 25 ноябрида Парижда бўлиб ўтган анжуманида Пьер де Кубертен замонавий Олимпиада ўйинларини тиклаш қарорини эълон қилади.

Шундан сўнг у тарафдорлари, жумладан Буюк британиялик лорд Амтхилл, америкалик профессор Слоэн, россиялик генерал-лейтенант Алексей Бутковский, венгр Кемень, Богемия (ҳозирги Чехия)дан Гут-Ярковский ва бошқалар билан замонавий олимпия ҳаракатини тиклаш масалаларига бағишланган Таъсис конгрессини ўтказишга тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

Уларнинг астойдил саъй-ҳаракатлари билан бу анжуман 1894 йил 16 июнда Парижда чақирилиб, мазкур Таъсис конгрессиде жаҳоннинг 12 давлати вакиллари иштирок этди. Конгресс арафасида Пьер де Кубертен матбуотда "Олимпиада ўйинларини тиклаш" мақоласини эълон қилди. Муаллиф унда Олимпиада ўйинларига оид ўз қарашларини баён этди. Пьер де Кубертен фикрича, жаҳон спортининг бу улкан байрамида фақат ҳаваскор спортчилар қатнашишлари керак эди. Ана шу мақсад учун жалб этиладиган ташкилотчилар ва ҳомийларнинг маблағлари фақат Олимпиадага тайёргарлик қириш ва уни ўтказишга, спорт иншоотлари қуришга сарфланиши лозимлиги ўқтирилди. Ўйинларни худди кўҳна Юнонистонда қабул қилингандек ҳар тўрт йилда бир марта, лекин навбат билан жаҳоннинг турли мамлакатлари шаҳарларида ўтказиш тақлиф қилинади.

Таъсис конгресси Пьер де Кубертеннинг барча тақлифларини қабул қилди, Халқаро Олимпия Кўмитаси таркибини тасдиқлади.

Олимпиада ўйинларини Афинада ўтказишга қарор қилинганлиги муносабати билан юнон шоири ва тилшуноси, машҳур жамоат арбоби, Умумэллин гимнастика жамияти аъзоси Деметриус Викелас Халқаро Олимпия Кўмитасининг биринчи Президенти (Таъсис конгрессиде Олимпиада ўйинлари ҳар тўрт йилда жаҳоннинг турли давлатлари шаҳарларида ўтказилиши, мезбон мамлакат вакили ХОҚ Президенти бўлиши тўғрисида қарор қабул қилинган эди), ХОҚ Бош котиби этиб эса Пьер де Кубертен сайланди.

Олимпиада ўйинлари белгиланган муддатларда муваффақиятли ўтиши учун Деметриус Викелас ва Греция Миллий олимпия кўмитасига, шунингдек Халқаро Олимпия Кўмитасига бекиёс ташкилотчилик салоҳиятини, қабул қилинган қарор ижросини таъминлаш учун бутун иродаларини намойиш қилишга тўғри келди. Чунки, қутилмаганда Греция ҳукумати ҳам, Афина шаҳри (белгиланган тартибга кўра Олимпиада ўйинлари мезбони шаҳар ҳисобланади) маъмурияти ҳам жаҳон миқёсидаги бу спорт мусобақаларини ташкил этиш учун етарли миқдорда маблағлари йўқлигини билдириб, ўйинларни ўтказишни умуман шубҳа остига қўйдилар. Шунда Пьер де Кубертен ва уни тўла қўллаб-қувватлаган Греция шаҳзодаси Константин ташаббуси билан Олимпиада ўйинларини ўтказиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғармага на-

мусобақаларни энгил атлетикачилар бошлаб бердилар. АҚШдаги Гарвард университети талабаси Жеймс Конноли уч хатлаб сакраш бўйича 13 метр 71 сантиметр натижа кўрсатиб, замонавий Олимпиада ўйинларининг биринчи чемпиони бўлди. У асосий рақибни франциялик Александр Тиффердан 1 метр узокроққа сакрашга муваффақ бўлди.

Иккинчи олтин медаль ҳам америкалик диск улоқтирувчи Роберт Гэрретга насиб этди. Унинг бу ғалабаси юнонистонлик спорт ихлосмандларининг юрагини ларзага солди. Чунки диск улоқтиришда ўз спортчилари – Панагиотис Параскевополусга бас келадиганлар дунёда топилмаслигига уларнинг ишончлари комил эди.

Принстон университети талабаси бўлган Роберт кейин журналистларга ҳикоя қилиб беришига кўра, диск улоқтириш бўйича мусобақалар Олимпиада ўйинлари дастурига киритилганидан хабар топиб, спортнинг шу турида ўз кучини синая қуришга қарор қилди. АҚШда ўша вақтда диск улоқтиришнинг қоида-тартибларини биладиганларни излаб топишнинг ўзи амри маҳол эди. Шунинг учун Роберт Гэррет замонавий Олимпиада ўйинларида ҳам диск улоқтириш мусобақалари қадимги даврлардагидек ўтказилади, деган фикрда китоблардан ана шу спорт снаряди тўғрисидаги маълумотларни ўқиб билиб олади. Машқларни ҳам ўша кўҳна юнонликлар

вақтда вазнларига қараб ажратилмас эди) барча рақибларидан устун чиққан ҳамда бунга қўшимча равишда гимнастика бўйича мусобақаларда ҳам учта олтин медални қўлга киритган немис Карл Шуманларни келтириш мумкин.

Француз велопойгачиси Леон Флагман эса Олимпиада ўйинлари тарихида спортда ҳалол мусобақалашин намунаси сифатида сақланиб қолди. У 100 километр масофага пойга пайтида Георгиос Колетиснинг велосипеди бузилганлигини кўриб қолади. Бу юнон спортчиси асосий рақиб бўлишига, ўзи пойгада пешқадамлик қилаётганлигига қарамасдан француз Колетис пойгани давом эттири олгунига қадар уни пойлаб туради. Шундай бўлса ҳам у маррага биринчи бўлиб этиб келди.

15 апрелда Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Барча голиблар бошига қадимий аъналарга мувофиқ Олимпия шаҳри атрофидаги муқаддас зайтунзордаги ана шу дарахтлардан кесиб келтирилган новдаларга лавр қўшиб тўқилган чамбараклар кийгизилди ҳамда улар медаллар ва дипломлар билан тақдирландилар. Шу Олимпиададан бошлаб чемпионлар шарафига улар Ватани мадҳияси ижро этилиб, байроқларини кўтариш тантанали маросими ўтказиш жорий қилинди.

Афина Олимпиадасида расман қабул қилинмаган бўлса ҳам умумжамоа натижалари чиқарилди. Унга кўра мезбонлар – Греция спортчилари 46 та (10 та олтин, 19 та кумуш ва 17 та бронза) медалга сазовор бўлиб биринчи, америкаликлар 19 та медал (11 та олтин, 7 та кумуш, 1 та бронза) билан иккинчи, немислар 14 та медал (7 та олтин, 5 та кумуш, 2 та бронза) билан учинчи ўринни эгалладилар.

Олимпиада ўйинлари бутун дунёда спортни ривожлантиришга жуда катта таъсир ўтказди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида спорт жамиятлари ташкил қилина бошланди, спорт билан шуғулланаётганлар сони ҳам кескин ортарди.

Энг эътиборлиси 1882 йилда – ҳали Пьер де Кубертен замонавий олимпия ҳаракатини тиклаш гоёсини эълон қилмасидан аввал Тошкентда дастлабки спорт ташкилотлари – Чавандозлар жамияти ташкил этилди. Яна икки йилдан сўнг эса ана шундай жамият Самарқандда ҳам ўз ишини бошлади.

Чавандозларнинг биринчилардан ўз спорт жамиятлари атрофида уюшишлари тасодифий эмасди. Бир неча асрлар давомида от спорти турлари ўлкада энг оммавий ҳисобланарди. Халқ сайиллари, байрамлар улқисиз ўтмасди. "Бобурнома"даги миниатюраларда чавгон ўйини лавҳаларини кўриш мумкин. Кейинги Олимпиада ўйинлари мусобақалари дастурига у Америкада қабул қилинган номи – от полоси сифатида киритилди.

## Олимпиада: биринчидан йигирма тўққизинчигача АНЪАНАНИНГ ТИКЛАНИШИ

фақат юнонликлардан, балки бошқа мамлакатлардан ҳамда турли ҳомийлардан маблағ келиб туша бошлади. Масалан, Александрия шаҳри аҳолиси тўплаган маблағга Олимпия стадиони қайта тик-

улоқтирган оғирликдаги дисклар билан бажаради. Шунинг учун Афинада америкалик энгил атлетикачи диск вазни ўзи машқларда улоқтириб келганидан анча энгил бўлганлиги сабабли 29 метр 15 сантиметр натижа билан осонгина голибликни қўлга киритади.

Р. Гэррет мусобақаларнинг эртаси кунини ҳам ядрони 11 метр 22 сантиметр узокликка улоқтириб, иккинчи бор Олимпиада шохсупасига кўтарилади. Қўш чемпион жамоадоларидан уч спортчининг Афина Олимпиадасида иштирок этиш харажатларини ўз ҳисобидан тўлаганлиги билан ҳам спорт тарихига кирган.

Ўша вақтда оғир атлетика бўйича мусобақаларда спортчилар вазн категорияларига бўлинмас, шанга бир қўлда ҳамда икки қўлда кўтариш эди. Оғир атлетикада бир қўлда шанга кўтаришда 71 килограмм натижа билан инглиз Л.Эллиот, икки қўлда 111,5 килограмм шанга кўтарган даниялик В.Йенсен илк Олимпиада чемпионлари бўлдилар.

Марафон биринчи Олимпиада ўйинлари мусобақаларининг энг асосийлиги ҳисобланарди. Ниҳоят юнон спорт ихлосмандлари кўчасига ҳам байрам келди. Почтачи Спиридон Луис маррага биринчи бўлиб этиб келиб, Грециянинг миллий қахрамонига айланди. Чемпион шарафига қадимий Олимпиада расм бўлгани каби стадион узра оқ кабутарлар учирди. Унинг ғалабаси юртдошларига шу қадар шоду хуррамлик бахш этдики, агар Олимпиада чемпиони фахрий минбарга юнон шаҳзодалари Константин ва Георгий ҳамроҳлигига кўтарилганида, бу вақтда стадионда ҳозир бўлган 60 минг томошабин уни қўчиб қўтлаш учун ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборишлари ҳеч гап эмасди.

Спиридон Луис Олимпиада олтин медали, марафонни мусобақалар дастурига киритиш ташаббускори бўлган француз академиги Мишель Бреаль ўзи таъсис этган олтин кубок билан бирга йил давомида ресторанларда бепул овқатланиш, бутун умри бўйи ўзига бепул либос тиктириш ва сартарош хизматидан текин фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда бир бочка шароб, 1 тонна шоколад, 10 та сигир ва 30 та қўй билан сийланди.

Замонавий илк Олимпиада ўйинлари қахрамонлари сифатида трекада энг қисқа ҳамда 2000 ва 10 000 метрга велопойдага уч карра голиб франциялик Поль Массон, курашда вазни энг энгил бўлишига қарамай (полвонлар ўша



СУРАТДА: Олимпиада ўйинларини тиклаш бўйича Таъсис конгрессини чақириш ташкилотлари, замонавий олимпия ҳаракати асосчилари (стол атрофида чапдан ўнгга) - Халқаро Олимпиада Кўмитасининг биринчи Президенти юнон Деметриус Викелас, француз Пьер де Кубертен, россиялик генерал-лейтенант Алексей Бутковский (1894 йил).


ланди. Ҳомийлар пулларига Афинада велодром, ўқ отиш бўйича мусобақалар ўтказиладиган тир қурилди. Умуман Греция Олимпиада ташкилий кўмитаси барча тайёргарлик ишларини ўз вақтида тугаллашга муваффақ бўлди.

Биринчи мартаба турли мамлакатлар спортчиларини Олимпиада ўйинларига жалб этиш ҳам осон кечмади. Жумладан, Германия, Франция, Бельгия миллий олимпия кўмиталари Афинада фақат ўз мамлакатларида кенг русм бўлган спорт турлари бўйича мусобақаларда қатнашишларини қатъий талаб қилиб қўйдилар. Дунёдаги етакчи спортчиларнинг Афинага келишлари учун маблағ топиш ҳам жиддий муаммолар келтириб чиқарди.

Афина Олимпиадасида иштирок этишга 34 мамлакат тақлиф қилинган эди. Ўйинларга 13 давлат – Австралия, Австрия, Америка Қўшма Штатлари, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Греция, Дания, Франция, Чили, Швейцария, Швециядан 311 нафар спортчи ташриф буюрди. Олимпиада мусобақалари иштирокчиларнинг деярли учдан икки қисмини мезбонлар ташкил этарди. Грецияга, шунингдек, Германия 21, Франция 19, АҚШ 14 олимпиадачидан иборат терма жамоаларини йўллашди.

Биринчи Олимпиада ўйинлари дастуридан спортнинг юнон-рум кураши, велоспорт, гимнастика, энгил атлетика, сузиш, милтик ва тўппончадан ўқ отиш, теннис, оғир атлетика ва қилиб-болзлик турлари бўйича фақат эркеклар ўртасидаги мусобақалар ўрин олганди.

Кўҳна юнон Олимпиадалари аъналарига амал қилган ҳолда



СУРАТДА: замонавий Олимпиада ўйинларининг биринчи чемпиони Жеймс Конноли. У нафақат спортдаги муваффақиятлари билан машҳурдир. АҚШлик энгил атлетикачи ўзи тахсил олган Гарвард университетининг фахрий профессори этиб сайланган, танikli журналист, китобхонлар томонидан севиб ўқиладиган 25 та роман муаллифидир.

1895 йилда – Афина Олимпиадасидан бир йил аввал эса Тошкентда Ҳаваскор велосипедчилар жамияти ҳам ташкил этилиб, юртимизда спортнинг бу тури ҳам тез оммалаша бошлади. Тошкентлик велопойгачилар Олимпиада ўйинларида иштирок этиш имкониятларига эга бўлганларида, эҳтимол, бу жаҳон спорт мусобақалари голиблари орасида улар номларини учратиш ҳам мумкин бўларди...  
**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

## Иқтисодиёт

### СИФАТЛИ ПОЙАБЗАЛЛАР

**ЕНГИЛ, ҚУЛАЙ, ЗАМОНАВИЙ, ИҚЛИМ ШАРОИТИГА МОС ПОЙАБЗАЛЛАР, АЛБАТТА ХАРИДОР ЭЪТИБОРИНИ ЖАЛБ ЭТАДИ. УЛАР СИФАТЛИ ВА МУСТАҲҚАМ БЎЛСА, НУР УСТИГА АЪЛО НУР, ИШЛАБ ЧИҚАРИВЧИНИНГ ЮЗИ ЁРУФ, КИЙГАННИНГ ЭСА ДИЛИ РАВШАН.**

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Excel Lent Lost» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси ўз олдида ана шундай пойабзалларни тайёрлашни мақсад қилган. Фаолиятининг ўтган 3 йили мобайнида ушбу жамоа фаолиятида Хитойдан келтирилган ускуна ва линиялар асосида тажрибали пойабзалчилар 50 дан ортиқ моделдаги эркеклар оёқ кийимларини тайёрлашга муваффақ бўлишди. Энг муҳими эса пойабзаллар сифатининг юқорилигидир.

— Биз оёқ кийимларини ишлаб чиқаришда хорижий каталоглардан нуқумли фойдаланамиз, бозорни ўрганиб харидор дид ва эҳтиёжга эътибор қаратамиз, — дейди корхона директори Фазлиддин Мухторхўжаев. — Жорий йилда ҳам эркекларимиз учун 10 турга яқин мавсумий пойабзалларни ишлаб чиқаришни режаланганми.

Ҳозирда корхона дизайнер-модельерлари изланишлари асосида 2008-2009 йил учун янги моделдаги пойабзаллар яратилмоқда. Шунингдек, жорий йилда аёллар учун киши оёқ кийимлари ҳам тайёрланиб, харидорларга етказиб берилади. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, уларни жаҳон андозларига мос бўлишини таъминлаш мақсадида яқинда Хитойдан янги дастгоҳ ва ускуналар келтирилди.

### МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИГА ЭЪТИБОР

**ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ОШИРИШДА ТОВАРНИНГ ҚАНДАЙ БЕЗАЛИШИ ҲАМДА ЎРАШ ВА ҚАДОҚЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.**

«Ақома» маъсулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам ана шунга асосланган ҳолда бозор талабини, харидор дид ва эҳтиёжини тўғри англаб Туркия давлатидан янги замонавий линия олиб келишга муваффақ бўлди. Шунингдек, замонавий тикув машиналари ҳам келтирилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ортиши ва турлари кўпайишига эришилди. Айниқса, трикотаж кийим-кечкалари учун фойдаланиладиган матоларнинг бўйлиш сифати ортганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган йилда корхона чеварлари томонидан 115 миллион сўмлик трикотаж кийим-кечкалари тайёрланиб, 20 турдаги янги моделдаги устки ва ички либослар ишлаб чиқарилди. Эркаклар учун ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотлари талабга тўла жавоб беради. Маҳсулотларнинг Россия давлатига экспорт қилинаётгани ҳам изланишлар самарасидир.

Жорий йилда янги буюртмаларни бажариш, замонавий либосларни бозорга чиқариш учун яна янги тикув машиналарини олиб келиш ва қўшимча ишчи ўринлари яратиш режаланган. Ҳозирда корхонада 26 нафар чевар меҳнат қилаётган бўлса, йил охиригача уларнинг сафи янада кенгайди.

Шарофат БАХРОМОВА

## Фан

### ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛМА

**САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ҲОСИЛ БЎЛАДИГАН ЧИКИНДИЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА. ТОШКЕНТДАГИ «КОМПОЗИТ» ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДҚИҚОТЛАР АСОСИДА ЭСА ТУРЛИ ҚАТТИҚ ЧИКИНДИЛАРНИ СИФАТЛИ САРАЛАШГА МОСЛАШТИРИЛГАН ЯНГИ ҚУРИЛМА ЮЗАГА КЕЛДИ.**

Ушбу аппарат чикиндиларни энгил ва оғир композитларга ажратди.

Марказдан маълум қилишларича, бундай мустаҳкам қурилма маиший чикиндиларни саралашда қўл келмоқда. Шунингдек, ҳар хил ҳажм ва оғирликдаги материалларни саралаш ҳам ўзига қўйилди. Бундан қўллаб иқтисодий фойда қўрилмоқда.

### «САМАРҚАНД ЭРТАКЛАРИ» НЕМИС ТИЛИДА

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ БЎЙИЧА ҲАМ ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. КАФЕДРА МУДИРИ ХУРРАМ РАҲИМОВ ЭСА ТАРЖИМОН СИФАТИДА ОЛМОН ТИЛИДАН КЎПЛАБ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИ ЎЗБЕКЧАЛАШТИРДИ.**

Ўзбек олимнинг германиялик адиба Габриеле Келлер билан ҳамкорлиги ҳам самарали бўлмоқда.

Шу ижодий алоқа туфайли «Самарқанд эртақлари» деб номланган тўплам чоп этилди. Унга кирган ўзбек эртақлари адиба Габриеле хоним томонидан ёзиб олинган эди. Уларни Х.Раҳимов немис тилига ағдарди.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдида бу китобнинг учинчи нашри юзага келди.

Барно МУКИМОВА

### ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИКДА

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ ОЛИМЛАРИ ТАЛАБАЛАР УЧУН БИР НЕЧА ҲАМДА АДАБИЁТЛАРИНИ БОСМАГА ТАЙЁРЛАШДИ. «МАҚБУЛ РАҚСЛАР МЕТОДИКАСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ҚЎЛЛАНМА ЭСА ЯҚИНДА ЧОП ЭТИЛДИ.**

Россиядаги хореография санъати олий ўқув юртлири учун махсус тайёрланган бу ўқув адабиётини Ўзбекистон халқ артисти Гули Хамроева ўзбек тилига таржима қилди.

Таникли санъаткор олий мактаб ректори сифатида яна қатор қўлланмаларни ўзбек тилида чиқаришга бош қўшди.  
**Ақбар АЛИЕВ**



МАШРИҚЗАМИН—ХИКМАТ БУСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ХИКМАТЛАР
Хусни дил эҳсон ила пайдо бўлур.
Келди Ҳақдин Мустафога шу йўриқ:
Эй Муҳаммад, сен гадога урма дўк!

Нон учун бир кимса новвойга бориб,
Берди жон ул хусни новвойни кўриб.
Бўлди бугдой дони Одамга тузок.
Беғараз эрмас тамом аҳли жаҳон,

Беғараз ишқ ичра ёлғиз жисму жон.
Шоҳдаги автор райятта ўтур.
Гар эсанг аллома, сен кўргил ҳамон,
Канча фонийдир бу дунёю замон.

Кўза бил буткул жаҳонни, эй ўғил,
Илму зеболикка лим-лим кўза бил.
Маъни торига осил, дорбоз бўл,
Айла фикрингни қанот, жонбоз бўл.

Ит агар ов қилса, итдир хар қачон,
Ташла сен кўппакка камроқ устухон.
Сен шакардин қулча нон ёпсанг агар,
Таъми нонмас, балки таъми қанд

келар.
Топса заррин бут агар аҳли имон,
Сажда этгайму ўшанга? Ҳеч қачон!

Нақшига боқма, айрма рангини,
Азмини кўргил унинг, оҳангини.
Фикр — арслондир, кўнгиллар — бешалар.
Сабру парҳездек даво бир нарса йўқ...

Сабру парҳез қил, давои дардни кўр,
Сабр этиб сен, жон аро қувватни кўр.
Бир киши кўрганни гоҳ кўрмас жаҳон.
Қолдилар бу йўлда оқиллар неча.

Эскиса май қанча, шунча зўр бўлур,
Эскиган зар ичра кўпроқ нур бўлур.
Бўлмаса пир, этма сен азми сафар,
Учрагай офат, неча хавфу хатар.

Билмасанг йўлни, эшакка сен нуқул
Тескари йўл боски, бўлгай тўғри йўл.
Бўл, топиб, сен пири қомилга адо,
Чун Хизр ҳукмида юргандек Мусо.
Сув ва лой янглиғ суяқтан бўлмагил.
Этмаса сайқал, қачон ойинасен?

Кимки танҳо кирди йўлга, тинмади,
Кўлади бу йўлда пирлар ҳиммати.
Истасанг кундуз бўлишни, эй фалон,
Тунга мансуб борлигинг ёндир тамом.
Нақшинг нақшошга етгайму сўзи,
Чунки чекмиш нақшни ул нақшош ўзи.

Молу дунё ҳам табассумдирки, ул
Бир табассум бирла бизни маст қилур.
Бўлсин ул йўқлик, фақирлик ком сенга,
Қоч табассумданки, бўлгай дом сенга.
Сирларинг Унга аён бешубҳа-шак,
Тоза бир сут ичра сочининг торидак.

Кўрғазмалар

«СПОРТ ОЛАМИ — 2007»

КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ» МЕХМОНХОНАСИНИНГ КўРҒАЗМАЛАР ЗАЛИДА «СПОРТ ОЛАМИ — 2007» 2-ХАЛҚАРО СПОРТ ИНДУСТРИЯСИ КўРҒАЗМАСИ БўЛИБ ўтди.

Ушбу халқаро кўрғазма «ITE Uzbekistan» халқаро кўрғазма компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилиб, унда маҳаллий ва хорижий компания ҳамда фирмалар томонидан тайёрланган спорт жиҳозлари намойиш қилинди.


Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўрғазма намойишидан 20 дан зиёд компанияларнинг спорт индустрияси соҳасида эришган ютуқлари ўрин олган бўлиб, улар орасида мамлакатимиз ҳамда Россия, Беларуссия, Покистон, Бангладеш, Нидерландия сингари давлатларнинг машҳур фирмалари ҳам бор.

Кўрғазма ўзига хос тарзда ташкил этилган бўлиб, стадионлар, спорт мажмуалари,

спорт майдонлари ва заллари учун сунъий қопламалар, ўқур юртлари учун спорт жиҳоз ва ашёлари, спорт тренажёрлари ва машғулотлар методикаси, велоспарк ва бокс анжумлари бўлимида ишлаб чиқарувчи ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг махсусотлари намойиш этилди. Айниқса, «Урал» ва бошқа марказдаги велосипедлар, юртимиздаги «КП РТО ВТ» корхонасининг спорт инвентарлари янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилган-

лиги, замонавийлиги, талабларга жавоб бериши билан кўпчилиқда қизиқиш уйғотди. Ушбу кўрғазмада имзоланган фойдали шартномалар, албатта юртимизда спорт индустриясини ривожлантиришда, соғлом авлодни камол топтириш, болалар спортининг раванқида катта аҳамият касб этади. Шу билан биргалиқда юртимизда фаолият кўрсатётган ана шундай корхоналарнинг хориж

компаниялари билан ҳамкорлиги кенгайтиб, бу сифатли ва рақобатбардор спорт жиҳозлари тайёрлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда кўрғазманинг аҳамияти катта.
(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: кўрғазма намойишидан лавҳалар.
ЎЗА суратлари



ИНСОНИАТ ЎЗИНИНГ ОНГЛИ ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА МАЪНАВИЙ МУВОЗАНАТНИНГ БИР НЕЧА ХИЛЛАРИНИ ЯРАТДИ. ШУ МАЪНОДА САНЪАТ ТУРЛАРИ ИЧИДА КўШИҚЧИЛИК АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Кўрик-танловлар

КўШИҚ БАЙРАМИ

Мустақиллик йилларида миллий кўшиқчилик санъатини ривожлантириш, унинг бой аъёнчаларини юксалтириш борасида хайри ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалбига она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳини сингдиришда сеҳрли оҳанглarning роли бекиб.

Қатрада қуёш акс этганидек, мана бир неча йилдирки мактаб ўқувчилари, ижодий маркази катнашчилари, Болалар меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштираётган «Ўзбекистон кўшиқ бай-

рами» кўрик-танлови зўр уюшқоқ билан ўтказилиб келинади.

Бу йилги аънаваний кўрик-танловнинг шаҳар босқичи Марказий офицерлар уйида ўтказилди. Юнусобод туман халқ таълими бўлими ташаббус билан ташкил этилган ушбу кўрик-танловда тумандаги 35 та таълим муассасасининг ижодий жамоалари вокал, дутор, хор, фольклор сингари йўналишларда ўзларининг маҳоратларини амалда намойиш этишди.

Кўрик-танлов давомида жамоа иштирокчиларининг имкониятла-

рини ҳолисона баҳолашда кўплай ёш истеъод соҳибларининг мурраббийи Шермат Ерматов бошчилигидаги элмизининг ардоқли санъаткорлари ҳакамлик қилишди. Йилгиланлар айниқса, 260-мактабнинг Дю Ли раҳбарлигидаги бадий жамоанинг «Корейс миллий рақси» номинацияси бўйича чиқишини алоҳида эътибор билан қарши олдлар.

Албатта, тадбирда иштирок этган ҳар бир жамоанинг ўз имкониятлари, ютуқлари бор. Шу маънода ғолибларга давъогарлик қилувчиларни аниқлаш ҳакамлар хайъатига осон бўлмаганлигини айтиб ўтиш жоиз. Унҳот ғолиблар аниқланди. Аяна кўра Болалар меҳрибонлик уйининг пуфлаш чолгу асбоблари оркестри ва 260-мактаб жамоаси кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Спорт янгиликлари

ЮРТДОШЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

САМАРҚАНД ШАҲРИДА СПОРТНИНГ «УНИВЕРСАЛ ЖАНГ» ТУРИ БЎЙИЧА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Эрон, Мўғулистон, Жанубий Корея, БАА, Покистон, Афғонистон, Қозоғистон, Озорбойжон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистондан келган 80 дан ортқ спортчи ғолиблик учун кураш олиб борган нуфузли турнирнинг шахсий биринчилик баҳсларида юртдошларимиздан Йўлдош Душабоев, Сарвар Ақромов, Алишер Абдуллаев, Абдувахоб Шарипов, Шерзод Сулаймоновлар ўз вази тоифаларида Осие чемпиони деган шарафни номини қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобидаги беллашувларда ҳам Ўзбекистон терма жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Ақбар ЙўЛДОШЕВ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЎЗИДА АКС ЭТИРГАН КУРАШ КУРРАИ ЗАМИН БЎЙЛАБ КЕНГ ҚУЛОҚ ЁЗАЁТGANЛИГИ, ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРДА КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУРНИРЛАР УЮШТИРИЛАЁТGANЛИГИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛ.

ПАН АМЕРИКАДАН ХУШҲАБАР

Куни кеча Кураш халқаро ассоциациясининг Тошкентдаги қароргоҳига Пан Америка минтақавий ўйинлари ташкили қўмитаси президенти Хорхе Эспанья Ортегидан табрик телеграммаси келди. Унда айтилишича, кураш Пан Америка минтақавий ўйинлари дастурига киритилган. Шу боис ҳам 2009 йил сентябрь ойда Боливи давлатининг Суэр шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги Пан Америка минтақавий ўйинларида полвонлар ҳам ғолиб бўлиш ниятида гиламга чиқадилар.

Биз эса курашимизнинг энг нуфузли турнир Олимпиада ўйинлари дастуридан тезроқ жой эгаллашни талаб қоламиз.

Ақбар ЙўЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 12 июнь куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 03.05.2006 йилдаги 418/2 сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган ва Қашқадар вилояти Қарши шаҳри, Маслозавод кўчаси-2-уйда жойлашган «Прогресс куриш сервис» МЧЖ боғхона омборида сақланаётган қуйидаги мулкларни қўймоқда.

ППҚТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005159, 2005 й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм, ППҚТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005197, 2005 й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм, ППҚТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005176, 2005 й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм, ППҚТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005150, 2005 й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм, ППҚТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005200, 2005 й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм, ППҚТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005202, 2005 й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм, ППҚТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005168, 2005 й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм, ППҚТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005203, 2005 й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм, ППҚТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005175, 2005 й.). Бошланғич баҳоси-80 000 000 сўм, ППҚТ-38 русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерналар (ҳажми-38м³, шасси №439САТ11050005164, 2005 й.). Бошланғич баҳоси-80000000 сўм.

Шунингдек, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулклар қўйилади.

2006 йил 3 майдаги 399/2 сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, 3.Шамсутдинова кўчаси 72-А уй манзилдаги «Тошкент техник таъмирлаш бутлаш» корхонасида сақланаётган давлат рақами 10Х6036 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган «Хундай Акцент» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-11 520 200 сўм.

2006 йил 6 мартдаги ЖСК 1-88/06-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Мичурин дала ҳовлилари» ҳудудида жойлашган 67-сонли дала ҳовли. Бошланғич баҳоси-692 699 700 сўм.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга кириши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорига закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкадиган, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй. тел. 138-69-94.

Сўраш, жавоб берамиз

ЯНГИ АВЛОД ТЕХНИКАЛАРИ

Эшитишимча, янги авлод видео дисклари чиқиб, DVDлар керак бўлмай қолармиш. Уларнинг ўрнини HD DVD дисклари ва проигривательлари эгаллар экан. Мен шу техникаларни яқиндагина сотиб олгандим — пулимга қуйиб қоларканман-да? Шу гаплар тўғрими?

Шарифбой Юсупов, Мирзо Улугбек тумани.

Диск ишлаб чиқарувчи корхоналардан бирининг техник директори А. Борисовнинг журналистларга маълум қилишича, HD DVDга ўтиш жуда силлиқлик билан ва аста-секин амалга оширилади ва истеъмолчилар ҳамёнига қаттиқ зарба бўлиб тушмайди. Экспертлар таъкидига кўра, одатдаги DVDларни ҳам, янги шаклдаги дискларни ҳам ўқий оладиган проигривательлар шу йил охирига қадар анча арзонлашади.

Бундан ташқари, истеъмолчиларга энг қулай шaroитларни яратиш мақсадида келгуси бир неча йиллар давомида фильмлар бир йўла икки форматда ёзилган ҳолда чиқарилади. HD DVD формати тасвирларни беш маротаба тинчроқ кўрсатади, дискда уч марта кўпроқ ахборотни жойлаштириш имконини беради ҳамда янги авлод товушдан фойдаланиш мумкин бўлади.

КАСАЛЛИК ТЕР ОРҚАЛИ ҲАМ УТАДИМИ?

Спортчилар тер орқали бир-бирларидан турли касаллик вирусларини юктиришлари мумкин, деган миш-мишлар юради. Шундай бўлиши мумкинми?

Сулаймон Солиҳов, Собир Раҳимов тумани.

Гепатит В вирусини ташувчи 70 спортчидан фақат саккиз кишида шундай вирус борлиги аниқланган. Лекин, шунга қарамай, гепатит В вируси тер орқали юқиши мумкин деб, ишонч билан айтиш мумкин эмас.

Тўғрироғи, контактли спорт турларида касаллик мусобақа давомида тез-тез учрайдиган шилимишқ пардалар ва терининг шикастланиши туфайли қон орқали ўтади. Спортчиларни эмлаш орқалигина бундай ҳолатларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

ЖАХОННИНГ ЭНГ БАДАВЛАТ КИШИЛАРИ

Жаҳоннинг ийрик капиталистлари — миллиардерлар ҳақида тез-тез эшитиб тураемиз. Ҳозир энг бадавлат кишилар кўпроқ қайси мамлакатларда яшашаркин? Шу ҳақда бирор маълумот берсангиз...

Абдуқаҳор Одилхўжаев, Учтепа тумани.

«ФОРБС» журнали йиллик жаҳон рейтингини буйича, энг бадавлат кишилар сонини ҳисобда Америка Қўшма Штатлари жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Иккинчи ўринда Германия ва учинчи ўринда россиялик миллиардерлар туришаркан.

Омадни қарангки, бойликка йўл оддий бир ваъда беришдан бошла-ниши ҳам мумкин экан. Мисол учун рўйхатнинг бошида турган Microsoft

корпорациясининг эгаси америкалик 51 ёшли Билл Гейтс, Гарвард университетига ўқишни ташлаб, «Хар бир столда — бир компьютер»ни ваъда қилган экан. Шу ваъдани бажариш йўлидаги ҳаракатлар унга 56 миллиард доллар даромад келтирибди.

Иккинчи ўрин ҳам америкалик фуқарога тегишли — молиявий бизнес билан шуғулланувчи Уоррен Баффет қачонлардир Астрид Менкс исмли қиз севгисига муносиб бўлишга сўз берган экан. Натигада у пулларни омадли инвестиция қилиш санъатини шу қадар маҳорат билан ўзлаштирибдики, 52 миллиард доллар маблағни тўплаб қўйибди. 76 ёшида у ўз севгилисига уйланган экан.

Энг бой кишилар рўйхатининг учинчи погонасида турган мексикалик Карлос Слим Элу ўз даромадлари ҳақидаги декларацияни 13 ёшида тақдим этган экан. У бир дон апельсини сотиб, иккитасини харид қилиш мумкин деган эртатка ишонмай, бойлик орттиришнинг янги йўлини топишга аҳд қилган ва бошланишида симсиз телефония компаниясини хусусийлаштиришга эришган. 67 ёшга борганда унинг жамғармасида 49 миллиард доллар маблағ тўпланибди.

АЁЛЛАРГА ГЎЗАЛЛИК, ЯХШИ КАЙФИЯТ БАҒИШЛАЙДИ

Менделеев жадвалидаги 53-модданинг танқислиги айниқса аёлларга катта салбий таъсир кўрсатармиш. Гап йод танқислиги ҳақида кетаяпти. Лекин унинг етишмаслигини эркаклар ҳам, болалар ҳам баравар азият чекишаркан. Аёлларда ортиқча вази-нинг пайдо бўлишида ҳам шу модданинг танқислиги муҳим роль ўйнайди, дейишади. Шу гаплар тўғрими?

Суййма Абдужалилова, Юнусобод тумани.

— Аёлларимиз уларни жозибали, соғлом ва сарқомат қилувчи омилар ҳақида кўп эшитишди, — дейди табибёт фанлари номзоди Муҳаммадхон Миршарипов. — Албатта, шу эшитилганлар орасида табибёт фани дурдоналари ҳисобланадиган дори воситалари ҳам кўплай топилди. Лекин дастлаб организмдаги йод танқислигини барҳам топтирмай туриб, хатто илмий асосланган бўлса ҳам ҳеч қандай мўъжизанинг рўй беришига умид боғлаб бўлмайди.

Зеро, нима қилсангиз ҳам 53-элементнинг етишмаслиги шунга олиб келадики, қалқонсимон без ёғлар ва углеводларни «ёқиб юбориш» учун кифоя қиладиган микдордаги гормонларни ишлаб чиқара олмай қолади. Айнан шу тарзда кўпчилигимизга таниш бўлган ортиқча вазндан қутилишдаги чорасизлик юзга келади.

Лекин бу — йод танқислиги оқибатлари шу билангина чекланади, деган гап эмас. Қалқонсимон безнинг яхши ишласанлиги оқибатида қўл, оёқлар, товонларнинг, кўз остиларнинг салқини аёлларни қийнай бошлайди. Бунинг ўзи оғир. Бунинг устига ҳамма 2-5 килограмм мутлақо кераксиз суяқликни кўтариб юришининг азобини айтмайсизми?

Шулардан келиб чиққан ҳолда, агар озишга аҳд қилган бўлсангиз, ишни йод танқислигини йўқотишдан бошланг. Акс ҳолда ўзингиз орзу қилган гўзаллик ва сарв қоматга эришиш истаги сароб бўлиб қолаверди. Табиатни алдаш мумкин эмас.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-406

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2884 нусхада босилади. Қоғоз бирими А-2
Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига еки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Тошчирилган вақти: 13.18